



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 73 (12.384)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Мамлакатимизда йилдан йилга ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, иқтисодийётимиз ривожланиб бормоқда. Бунда йирик ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам муҳим ўрин тутаётир.



ЯНГИ ТУРДАГИ ЛИБОСЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Сергели туманидаги «Келажак муҳаббат юлдузи» хусусий корхонасида айни кунда болалар ва катталар, аёллар ва эркеклар учун бир неча хилдаги мавсумий устки кийимлар – футболкалар, майкалар, свитерлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона мутасаддилари бугунги куннинг диди нозик харидорларига манзур бўладиган махсулотлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бунга эришиш учун корхона жамоаси астойдил интилоқда, изланмоқда. Ички бозорни ўрганган ҳолда иш юритаётир.

«Интиланга толе ёр» деганларидек, қилинаётган сай-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Утган йили 2011 йилга нисбатан анча кўп кийим-кечак ишлаб чиқарилиб,

етказиб берилгани фикримизни тасдиқлайди.

– Махсулотларимиз ички бозорда ўз харидорларига эга бўлиб бормоқда, – дейди корхона раҳбари Инобат Юсупова. – Яқинда буюртма асосида сантехниклар, қурувчи усталар ва бошқа соҳа ходимлари учун махсус иш кийимлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Тайёр махсулотлар пешма-пеш талабгорларга етказиб берилмоқда.

«Келажак муҳаббат юлдузи»да касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 5 январда эълон қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хиз-

матлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратadbirlари тўғрисида»-ги Фармони бунда дастуруламал бўлмоқда.

Айни кунда корхона касаначилари махсулотларни тикиш, тугма қадаш, дазмоллаш, ўраб сотувга тайёрлаш каби ишлар билан банд.

– Илгари ҳам тикиш-бичиш ишлари билан шуғулланганим боис берилмаётган буюртмаларни қийналмасдан, сифатли қилиб бажармоқдаман, – дейди корхона касаначиларидан бири Мавлуда Маметова. – Бола тарбиясидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиб, оиламиз бюджетига, мамлакатимиз тараққиётига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Корхонада ҳозир янги моделдаги либослар яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда автомобилсозлик саноатига асос солинди. Бу эса истиқлол даврида эришган энг катта ютуқларимиздан бири эканлиги, юртимиз автомобиллари ҳар биримизнинг чинакам фахру гуруримизга айланганиги шубҳасиз. Утган давр мобайнида барча соҳалар қатори автомобилсозлик саноати ҳам жадал ва муваффақиятли ривожланмоқда.

Бугун юртимиздаги «GM-Uzbekistan» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар замонавий халқаро стандартларга тўла жавоб бериши, қулай ва хавфсизлиги, тежамкор ва бетакрор дизайн кўриниши билан хориз бозорларида ҳам харидорчилиги билан ажралиб туради.

Айниқса, ўзбек автосига Россия бозорларида эҳтиёж катта. 2013 йил биринчи чорагида «GM-Uzbekistan» компаниясида ишлаб чиқилган автомобилларнинг Россияга экспорт ҳажми 2012 йил шу даври билан солиштирилганда 13 фоизга кўпайган. Хусусан, ўтган йил биринчи чорагида 14092 дон

автомобиль экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 15898 тага ўсган.

Европа бизнеси Ассоциацияси авто ишлаб чиқарувчилар қўмитасининг маълумотларига кўра, 2013 йил январь-март ойларида Nexia автомобили савдоси 11 фоизга, Matiz савдоси эса 16 фоизга ўсган.

Мазкур кўрсаткичлар, албатта, Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасини кун сайин ривожланиб бораётганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон ва Россияни кўп йиллик тарихий ришталар боғлаб турадики, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг улар янгича мазмун-моҳият касб этди ҳамда равнақ топди. 1992 йил 20 март куни икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган эди. Утган йиллар мобайнида стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойилларига асосланган Ўзбекистон – Россия дўстона ҳамкорлигининг шаклланиши ҳамда ривожланиши катта йўлни босиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бир-бирининг барқарор тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан, шунингдек, минтақадаги ва халқаро майдондаги обрў-эътиборининг юксалиши ҳамда мустақамланишидан ҳар икки мамлакат бирдек ва холисона манфаатдордир.

Халқаро ташкилотларда анъанавий ҳамда изчил равишда бир-бирининг манфаатларини қўллаб-қувватлаш яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Хар икки мамлакат БМТ, ШХТ, МДҲ ва бошқа тузилмалар доирасида яқин ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришнинг тарафдоридир.

– Ўзбекистон биз учун минтақадаги энг устувор шериклардан бири ва бизнинг муносабатларимиз алоҳидадир, – дея баёнот берган эди Россия Президенти Владимир Путин ўзининг 2012 йил 4 июнь куни Тошкентга ташрифи чоғида. – Биз мамлакатнинг қандай имкониятларга эга эканлигини жуда яхши биламиз ва муносабатларимизни унинг салоҳиятига ҳамда халқларимиз ўртасидаги чуқур тарихий алоқаларга мувофиқ равишда қураемиз.

– Ўзбекистон – Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар иттифоқчилик муносабатлари тамойилларига мувофиқ ривожланмоқда, – дея қайд этган эди Президент Ислом Каримов Россия Федерациясининг раҳбари билан учрашув чоғида. – Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ёки бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқлар йўқ, минтақавий ҳамда халқаро даражада кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизми ишга солинган ва улар ҳаётга изчил таъбиқ этилаётир. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида фаол иш олиб бориляпти.

Ҳозирги пайтда икки томонлама муносабатларнинг ўсувчанлик ҳолати олий ва юқори даражадаги мунтазам учрашувлар билан изоҳланади. Ҳукуматлараро ҳамда идоралараро алоқалар, ишбилармон доиралар вакилларининг анжуманлари анъана тусини олди, минтақалараро ҳамкорлик фаоллашмоқда, ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий йўналишлардаги ўзаро муносабатлар ҳам тобора ривожланмоқда. Томонлар ўзоқ муддатли манфаатларга асосланган кўп қиррали манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо тайёрдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан 1992 йил 30 май куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, 2004 йил 16 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикчилик тўғрисида Шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Давлатларимиз анъанавий равишда минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва трансмилий уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишлари, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва наркотрафикка қарши курашда сай-ҳаракатларни бирлаштиришнинг тарафдорлари бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар муваффақиятли ривож топаётир. Бугунги кунга қадар Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг энг йирик ташқи савдо шериги сифатидаги мавқеини барқарор сақлаб келмоқда. Шу ўринда 2012 йил якунларига кўра мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилганини ҳам қайд этиш жоиздир.

Сармоявий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик Россия – Ўзбекистон муносабатларида муҳим ўринни эгаллайди. Ёқилғи-энергетика мажмуида кенг қўламли қўшма лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш, Ўзбекистонда геология қидирув ишларини олиб бориш, Ўзбекистон ҳудудидаги углеводород хомашёси конларини ўзлаштириш ва уни манзилга етказиш билан боғлиқ ишлар ана шулар жумласидандир.

Утган йили Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида республикамизга Россиянинг 789,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри сармоялари жалб қилинди. 2013 йилда ҳам капитал маблағларни киритиш ҳажми янада ортади, хусусан, «Лукойл» компанияси Ўзбекистонда иккита лойиҳани рўёбга чиқариш учун махсулот тақсими битими асосида қиймати 678,5 миллион АҚШ доллари тенг миқдорда сармоя киритишни режалаштирмоқда.

(Давоми 3-бетда)

XXI сағоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма театрида вилоят ҳокимлиги, Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» V республика дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро тотувликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Самарқанд шаҳридаги олимпия захиралари тайёрлаш марказида юртимиздаги олий ўқув юртлари талабаларининг жорий йилда Бухорода бўладиган «Универсиада – 2013» мусобақалари олдидан жамоавий ўйинлар бўйича минтақавий саралаш босқичи ўтказилди.

● Андижон шаҳрида «Камолот» ёшлар боғининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Шаҳар ҳудудидаги 4,5 гектарлик боғ «Камолот» фаоллари ташаббуси билан кўркам қиёфа касб этди. Қисқа муддатда бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўк-ламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Юз туп манзарали дарахт, 500 тупдан зиёд гул кўчатлари экилди. Шунингдек, 22 замонавий аттракцион, улкан фаввора барпо этилди. Боғда бир пайтнинг ўзида икки минг нафардан зиёд аҳоли дам олиши мумкин.

● Сурхондарё вилоятидаги тадбиркор, фермер аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 10 миллиард 946 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди ва 800 га яқин янги иш ўрни яратилди.

● Чирчиқ шаҳридаги харбий қисмлар фермер аёллари «Ёш чегавачилар» харбий-ватанпарварлик мусобақасининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда мусобақанинг дастлабки босқичида муваффақиятли иштирок этган Бекобод, Бўка, Оҳангарон, Бўстонлик, Зангиота ва Янгийўл туманларидан олти жамоа ўзаро куч синашди.

ЖАҲОНДА

● Хорватияда яқинда кун Европа парламентида дастлабки сайловлар бўлиб ўтади. Бунда Хорватия 1 июлда Европа Иттифоқининг аъзоси бўлганидан сўнг сайловларда ғолиб чиққан 12 нафар номзод ўзининг депутатлиги ўринларини эгаллайди. Хорватиянинг Европа Иттифоқи аъзолигига кириш йўлидаги ўн йилликни яқунлаётган ушбу тарихий сайловларда 3,7 миллион хорватлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

● Кеча Бельгиянинг Антверпен шаҳри атрофида Россия ва украиналик ўсмирларни олиб кетаётган автобус йўл ҳаракати ҳодисасига учради. Автоҳалокат натижасида камида беш киши ҳалок бўлди.

● Кеча Бағдод шаҳридан шимолроқда амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида ўн киши ҳаётдан кўз юмди.

● Кеча Испания пойтахти Мадрид шаҳрида мамлакатдаги монархия тузумига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишга чиққан минглаб кишилар монархия ўрнига республика тузумини жорий этишни талаб қилдилар. Ушбу намойиш аввал ташкил этилиб, кейинчалик диктатор Франсиско Франко томонидан бекор қилинган Испания Республикасининг 82 йиллигига бағишлаб ўтказилди.

● «Ижмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг собиқ бош директори Владимир Гродецкий фирибгарликда гуноҳ билан ҳибсга олинди.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** «Давлат грантлари маблағларидан мақсадли фойдаланиш мониторинги: ама-

лиёт ва вазифалар» мавзуида онлайн видео-семинар бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Архив соҳасида аҳолига кўрсатилаётган

хизматлар ва уларнинг турларини кенгайтириш истиқболлари» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Ислом уни-

верситетиде «Маънавият ҳафталиклари» доирасида «Ёшлар ва мутолаа» мавзуида бадиий китоблар тарғиботида доир ёзувчилар билан учрашув ташкил этилади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ, ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР ВА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАР**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларда санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил қилишда ва зирлик, идора ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда Тошкент шаҳридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси» 1999 й., N5, 110-модда) қонунига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳар аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларда санитария ҳолатини яхшилашда масъул давлат органлари ва манфаатдор жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича шаҳар Кенгашининг Саноят, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раисининг ўринбосари Ж.Иноғомовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Раҳмонов), Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими (Ж.Иноғомов), Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси (Р.Мирзаев), Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Д.Алимухамедов) ва туман ҳокимликлари томонидан ҳар бир туманда биттадан маҳаллада тизимли ишларни ташкил қилиш ва уларни намунавий маҳалла ҳолатига келтириш бўйича рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, туман ҳокимликларига: аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларда санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида фуқаролар йиғини раиси раҳбар-

лигида профилактика инспекторларининг ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш;

фуқаролар йиғини раиси ва профилактика инспектори томонидан биргаликда ҳар ҳафтада ўртача 50 та оила ўрганилиши, улардаги мавжуд муаммолар махсус дафттарга қайд этилиши ва ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларини тўлиқ бажарилишига тўққинлик қилаётган муаммолар ечимини топишда ҳамда қонун талабларида белгиланган фаолиятлари ариалашувлари йўл қўймасликда, уларга дахлдор бўлмаган йиғилиш ва тадбирларга жалб этилишининг олдини олиш масалаларида кўмаклашиш;

туман ҳудудидаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ижобий кўрсаткичга эришишда фаол хизмат қилган маҳалла фуқаролар йиғини ва ички ишлар идоралари ходимларини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

4. Туман ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида туман ҳокимлиги ҳамда ҳокимлик тизимига кирувчи давлат бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича фуқаролар йиғинларида ҳисобот берилиши ташкил этилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан Тошкент шаҳар бўлимига: маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги «Воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари комиссиялари» фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган услубий қўлланма ишлаб чиқиш, комиссия раислари учун ҳудудий ўқишларни ташкил этиш ҳамда уларнинг тарихига ташаббускор ёшларни жалб қилиш ишларини амалга ошириш тавсия этилсин.

6. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалала-

ри бўйича доимий комиссиясига жамоатчилик комиссиясини тузган ҳолда, жорий йилнинг апрель-май ойларида фуқаролар йиғинларининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари фаолиятини ўрганиш ва уларнинг ишини янада такомиллаштириш бўйича таклиф тайёрлаш тавсия этилсин.

7. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига:

маҳаллаларда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувларда мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш ишларини кенгайтириш;

жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан аҳолининг ташаббускорлигини ошириш, фуқаролар билан ўтказилган учрашувларда кўтарилган долзарб муаммолар юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровини юборишни янада кучайтириш тавсия этилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Раҳмонов) ва туман ҳокимликларига:

шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган www.e-komunal.uz интернет сайтига аҳоли томонидан коммунал соҳага оид келиб тушган муаммолари масалалар ва мурожаатларни тезкорлик билан ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўрилиши жадаллаштирилиши; интернет сайтига келиб тушган масалаларнинг таҳлилини олиб бориш, кўтарилган муаммоларни ижро назоратини кучайтириш ва амалга оширилган ишлар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ахборот тақдим этиб бориш топширилсин.

9. Маҳалла ва турар жой мавзелари ҳудудларини санитар тозалаш, ободонлаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни назорат қилиш ҳамда аҳоли орасида тушунтириш ишларини амалга ошириш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайланган округлари бўйича маҳаллаларга 2-иловага мувофиқ бириктирилсин.

10. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

11. Мазкур қарорнинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан 2013 йилнинг биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ахборот берилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов**

2013 йил 9 апрель

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АВТОМОТОТРАНСПОРТ САҚЛАШ
ҚУРИЛМАЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ШАҲАРСОЗЛИК
ҚОИДАЛАРИГА МУВОФИҚ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўчаларнинг яхшилаш ва аҳоли учун қулай инфраструктура яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда. 2013 йил «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларининг ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳрини янада ривожлантириш ва ободонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳрининг аҳоли зич жойлашган мавзелари кесимида «Намунавий маҳалла» дастури асосида кенг қўламли ободонлаштириш, кўп қаватли турар жой биноларини, ер ости муҳандислик тармоқларини, ҳудудларга йўл ва йўлакларни қайта таъмирлаш, спорт ва болалар майдончаларини ташкил этиш ишлари маҳаллий ҳокимликлар томонидан босқичма-босқич амалга оширилиши устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Тошкент шаҳрида шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларига жавоб бермайдиган автоматотранспортлар сақлаш қурилмалари ободонлаштириш ишларини олиб боришда тўққинлик қилиб келмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Тошкент шаҳар аҳолисининг автоматотранспорти турар жойларини ташкил қилиш ҳақидаги таклифлари ҳамда мутасадди ташкилотлар ва мутахассисларнинг хулосаларидан келиб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳрида ўрнатилган автоматотранспорт сақлаш қурилмалари жойлашган ер участкаларини олиб қўйиш ва улар ўрнига замонавий энгил турдаги автоматотранспортлар учун турар жойларни ташкил этиш тўғрисидаги «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ёнгина қарши кураш бошқармаси, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва бир қатор жамоат ташкилотларининг таклифлари маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Раҳмонов)га: Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда турар жой мавзеларида ташкил этиладиган автоматотранспортлар турар жойларининг батафсил ягона намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. 2013-2014 йилларда Тошкент шаҳридаги барча ўрнатилган автоматотранспорт сақлаш қурилмаларини босқичма-босқич олиб, улар ўрнига ҳар томонлама шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига жа-

воб берадиган, замонавий автоматотранспортлар турар жойларини ташкил этиш манзилли жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимларига:

биринчи навбатда автоматотранспорт сақланаётган қурилма эгаларига автоматотранспортлар турар жойлари ажратиш белгилансин ва қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштириш амалга оширилсин.

5. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов) ва туман ҳокимларига: профилактика инспекторлари ва барча туман ҳокимиятлари қошидаги гаражлар бошқармаси давлат унитар корхоналари раҳбарлари билан биргаликда ўзларига бириктирилган турар жой мавзелари ва маҳаллаларда автоматотранспортлар турар жойлар мониторингини ўтказиб, қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш топширилсин.

6. Туман ҳокимларига: янги қуриладиган автоматотранспорт турар жойларини қуришда ҳомийлар, тадбиркорлар ва бошқа субъектларни жалб қилиш; хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан биргаликда янги ташкил этилган автоматотранспорт турар жойларини сақлаш, ободонлаштириш, тозалаш ишларини таъминлаш белгилансин.

7. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ҳамда туман ички ишлар бошқармаларига ўрнатилган автоматотранспорт сақлаш қурилмаларини олиш юзасидан аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

10. Мазкур қарор халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов**

2013 йил 8 апрель

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашининг қарори****ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН
КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР
ЙЎЛАКЛАРИНИ
ТАЪМИРЛАШ ВА
НАМУНАЛИ ДАРАЖАДА
САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил, 15-сон, 122-модда) қонунининг ижросини таъминлаш, коммунал соҳадаги ислохотларни изчиллик билан давом эттириш, турар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларни замон талаблари даражасига етказиш, таъмирлаш, намунали сақлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини сифатли бажариш ҳамда кўп қаватли уйларда яшайдиган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси, Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг кўп қаватли уйларни замон талаблари даражасига етказиш, намунали сақлаш, йўлакларни таъмирлаш ва кириш эшикларни қулфлар билан жиҳозлаш бўйича таклифлари маъқуллансин.

2. Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларини таъмирлаш, кириш эшикларига қулфлар ўрнатиш бўйича манзилли жадвал иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, туман ҳокимликларига:

кўп қаватли уйларда яшайдиган уй боши ва йўлак бошиларнинг фаолиятини жонлантириш бўйича маҳалла фуқаролар йиғини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш чораларини кўриш;

лозим ҳолларда, кўп қаватли уйларда яшайдиган обрўли, ватанпарвар, фидойи фуқаролардан ширкат раислари, фуқароларни жалб қила оладиган яшовчиларни уй боши ва йўлак боши лавозимларига қайта сайлаш масалаларини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

4. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, туман ҳокимликлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда кўп қаватли уйларда яшайдиган фуқароларнинг уй-жой фондида яшаш қоидаларига риоя этиш, йўлаклар ва йўлак эшикларини намунали равишда сақлаш маданияти ва масъулиятини ошириш мақсадида фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

5. Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, туман ҳокимликлари ҳамкор ташкилотлар билан бирга намунали фаолият юритаётган хусусий уй-жой мулкдорларининг илғор тажрибаларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Энг намунали хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати», «Энг намунали кўп қаватли уй», «Энг намунали кўп қаватли уй кириш йўлак боши» ва «Энг намунали профессионал бошқарув компанияси» кўрик-танловларни туман ҳамда шаҳар босқичларини юқори савияда ўтказиш тавсия этилсин.

6. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкат раҳбарлари, уй боши ва йўлак бошиларга:

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид равишда таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини амалга оширган, санитария-гигиена қоидаларига кўп қаватли уйлар мулкдорларини риоя этмаётган тақдирда огоҳлантириш;

аҳоли ўртасида кўрсатилган коммунал ва эксплуатация хизматлари учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириш ва вужудга келган дебиторлик қарзларни тўлаш бўйича алоҳида тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

8. Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ва туман ҳокимликлари ушбу қарорни ижро этилишининг бориши тўғрисида 2013 йил 1 июлига қадар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ахборот тақдим этсинлар.


9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясига юклатилсин.

**Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов**

2013 йил 9 апрель

• Қарорларнинг илова қисмлари билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Toshkent.uz сайтыда танишишингиз мумкин.

«Оқшом» ижодкорлари — Самарқандда



Истиқлол шарофати билан Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва ўзига хос мавқеига эга бўлди. Бунда бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни ва мавқеи, ҳиссаси ва аҳамияти бор. Чунки фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида аввало, онг-тафаккур ўзгариши керак. Журналистлар дунёқарашини, фикрлаш миқёсини кенгайтириш учун мамлакат минтақа ва ҳудудларида амалга оширилаётган эзгу ишлардан бохабарлик — жуда-жуда зарур.



Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида мамлакатимиз истиқболли таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим йўналишлар белгилаб берилган.

Ана шу тарихий маърузада ахборот тизимини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар вазифа қилиб кўйилди. Булар орасида мавжуд қонунларни такомиллаштириш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш ҳам, ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини ошириш, журналистикани бевосита ҳаёт билан янада яқинлаштириш ҳам бор.

Тошкент шаҳри оммавий ахборот воситалари ходимларининг Самарқандга сафари ҳам моҳиятдан ана шу концепцияда белгиланган вазифалар ижроси йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Яқинда «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти жамоаси ҳамда «Тошкент» телерадиоканали вакиллари «Афросиёб» тезорар поездида Самарқанд шаҳрига борди.

Бундан кўзланган мақсад Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ижодий ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, тарихий мейморий ёдгорликларни, муқаддас маконлар ва қадамжоларни зиёрат қилиш, Истиқлол йилларида жойларда амалга оширилган ислохотлар билан яқиндан танишишдан иборат эди.

Маълумки, аҳоли онг-тафаккури ва қалбига мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ғоясини сингдириш, Ва-

таннинг ҳар бир қарич ери барча фуқаролар учун муқаддас эканини теран ҳис этишга эришиш буюк келажакка интилаётган халқ учун бирламчи вазифалардан саналади.

Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилояти ижтимоий-сиёсий газеталари, телерадиоканаллари ўртасида ўзаро дўстона ҳамкорлик ўрнатишга қарор қилинди.

лаётганини, Президентимиз ташаббуслари билан 1997 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали учун айнан шу майдон танланганини журналистлар ич-ичдан ҳис этиб, бу тўғрисидаги тасаввурларини бойитишди. Шундан сўнг пойтахтлик журналистлар «Самарқанд – СТВ»га ташириқ буюришди. Бу ерда каналнинг

ни янада кучайтириш масалаларига бағишланди.

«Зарафшон» — «Самарқандский вестник» газеталари бош муҳаррири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, «Оқшом» газеталари бош муҳаррири Акмал Ақромов, «Тошкент» телерадиоканали бош директори Хусниддин Эргашев ва бошқалар сўзга чиқиб, бундай ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида фикр юритишди.

Тошкент шаҳри оммавий ахборот воситаларида Самарқанд вилояти, Самарқанд вилояти оммавий ахборот воситаларида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида кенг-роқ материаллар бериб боришга ҳам келишиб олинди.

Семинар иштирокчилари, шунингдек, бир-бирларига Тошкент ва Самарқанд ҳақидаги альбомлар, газеталар босиб ўтган йўл хусусидаги нашрлар совға қилишди.

«Кейинги бекат — Самарқанд!»

Бироқ ҳозирча шундай. Яқин келажакда тезорар электрпоезд Самарқандга етиб борганидан кейин: «Кейинги бекат — Бухоро!», «Кейинги бекат — Қарши!» — деган хитобларни ҳам эшитамиз.

«Оқшом» газеталари таҳририятида ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Сафарнинг қанчалар таъсирчан ва самарали бўлганини шундан ҳам ҳис этса бўладики, ходимлар орасида кимларнингдир Тошкентдан биринчи марта узокроққа отланиши бўлса, айримларнинг Самарқандга биринчи бориши, баъзиларнинг тезорар «Афросиёб» поезди хизматидан илк бор фойдаланиши экан.

Ўз навбатида меҳмонлар самарқандлик ҳамкасбларини Тошкентга тақдир этишди. Самарқанд вилояти оммавий ахборот воситалари вакиллари Мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрига сафар қиладиган бўлишди.

Бир сўз билан айтганда, журналистларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги келажакда албатта ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Олим МАҲМУДОВ

ҲАМКОРЛИК ЎЗ САМАРАСINI БЕРАДИ



Журналистлар, биринчидан, «Афросиёб» тезорар поездида сафарга отланиб, Самарқанд шаҳрининг дунёга машҳур тарихий мейморий обидалари, муқаддас макон ва қадамжоларини зиёрат қилишди, Истиқлол йилларида вилоятларимизда амалга оширилган эзгу ишлардан бевосита воқиф бўлишди.

Хусусан, 1998 йили барпо этилган Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш журналистларда катта таассурот қолдирди.

Шоҳи Зинда мажмуаси, Гўри Амир ва бошқа зиёратгоҳлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш, хусусан, Регистон мажмуасидаги Мирзо Улугбек, Тиллоқори ва Шердор мадрасалари ўртасидаги ўзаро уйғунликни, аждоқларимизнинг икки аср (XV — XVII асрлар) мобайнида бир-бирининг лойиҳасига мос тарзда иш юритиб борганига, нега бутун дунё ҳозиргача бунчалар қойил қилиб ке-

тарихи, радио ва теледустурлар қандай тайёрланаётгани, журналистлар учун яратилган замонавий қулайликлар билан танишилди. «Самарқанд — СТВ» дастурлари, асосан, вилоят аҳли учун мўлжалланган бўлиб, кўпгина кўрсатувлари бевосита Нодавлат телеканаллар тармоғи (NTT) орқали ҳам узатилади ва улардан бутун мамлакат аҳли баҳраманд бўлиш имконига эга.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги муассислигида ўзбек тилида «Зарафшон», рус тилида «Самарқандский вестник» ҳамда тожик тилида «Овози Самарқанд» газеталари чоп этилади. Ана шу нашрлар таҳририятлари жойлашган бинонинг замонавий талабалар асосида янги таъмирдан чиқарилган мажлислар залида бўлиб ўтган семинар журналистлар ҳамкорлиги-



СУРАТЛАРДА: Самарқанд сафаридан лавҳалар. Ислам Исмоилов олган суратлар

АВИАЦИЯ ТАРМОҒИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг авиация факультетида анъанавий республика илмий-техникавий анжумани бўлиб ўтди.

Факультет мамлакатимизнинг авиация соҳаси учун олий малакали кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи таълим маркази бўлиши билан бир қаторда, фан, техника ва уни ишлаб чиқариш интеграцияси бўйича илмий-тадқиқот маскани ҳам ҳисобланади.

Факультетда 6та кафедра, 2та илмий-тадқиқот лабораторияси, 2та талабалар ижодий тўғарага бўлиб, 100га яқин профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқдалар.

Анжуманининг ялпи мажлиси «Ўзбекистон Республикасида «кичи авиация»нинг ҳозирги ҳолати

ва истиқболи», «Битирувчиларнинг мутахассислик фанларини чуқур ўзлаштиришни таъминлаш масалалари», «Магистрал юк ташиш самолётларининг техник-иқтисодий» самарадорлигини баҳолаш масалаларига доир» каби маърузалар билан бошланди.

Ялпи мажлис ва «Учиш аппаратларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва янги материалларни қўллаш», «Авионика, автоматика, электроника ва ҳаводаги ҳаракатни бошқариш», «Авиация мутахассисларини тайёрлашда фундаментал ва гуманитар фанларнинг ўрни» каби шўба-ларда 130 га яқин маъруза ва бошқа чиқишлар тақдим этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозирги пайтда республикаимизда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 866 та корхона фаолият юритапти. Уларнинг 721 таси қўшма корхона, 145 таси эса ўз фойда ташқи капитал асосида тузилган корхонадир. Бундан ташқари, Россиянинг 102 та фирма ва компаниясининг ваколатхоналари мамлакатимизда аккредитациядан ўтган. Ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида 489 та фирма барпо этилган. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг Россия компаниялари билан ҳамкорлиги «Chevrolet» ҳамда «Daewo» бренди остидаги мамлакатимиз маҳсулотларини экспорт қилиш орқали амалга оширилаётган.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг фаолияти икки томонлама амалий алоқалар тараққиётида муҳим ўрни тутади. Хусусан, мазкур комиссиянинг 2012 йил 13 декабрь кунин Тошкентда бўлиб ўтган 14-мажлиси якунлари томонларнинг иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга, савдо-иқтисодий, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация, илмий-техника соҳаларидаги истиқболли йўналишларни белгилаб олишга бўлган ўзаро манфаатдорлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Гуманитар ва маданий алоқалар ривожини икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борадаги ҳамкорликнинг асосини «Маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида»ги Ҳукуматлараро битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Россия Федерацияси Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган «Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим ташкил этилди, улар йилдан йилга янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Республикаимизда Рус маданият маркази фаолият кўрсатаётган. У 19 та вилоят ва шаҳар жамоатчилик маданий-маърифий бирлашмаларини ўз атрофида бирлаштирган.

Ўзбекистонда рус тилида асосий таълим олиш ва техника соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқалар ҳам муваффақиятли ривож топмоқда. Юртимизда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилган.

Шуни қомил ишонч билан қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг жорий йил 14-15 апрель кунлари Россия Федерациясига расмий ташрифи икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада ривожланиши ҳамда мустақамланишига янгича ёндашув ва тўртки беради.

«Жаҳон» АА

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтиришда миллий эстрада санъатининг ролига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Ҳайдаров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида ёшларнинг маънавияти, тафаккурини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли эзгу ишларда миллий эстрада санъатимизни янада раванг топтириш, халқимизнинг қалбидан жой олувчи бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан ёш хонандаларнинг изланиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, уларнинг иҳоди билан халқимизни кенг баҳраманд этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда миллий эстрада фонотекаси, замонавий ускуналар билан таъминланган ижодий студия, адабиётимизнинг сара намуналарини ўзида жамлаган кутубхона ташкил этилган.

Анъанавий «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Дилларда Ватан мадҳи» каби ижодий кўрик-танловлар, «Марди майдон!» жонли ижродага қўшиқлар фестивали янгидан-янги овоз соҳибларини кашф этиш, халқимизга манзур бўладиган кўшиқларни яратишга хизмат қилмоқда. Ёш хонандалар билан ўтказиладиган доимий суҳбатлар, мулоқотларда жаҳон эстрада юлдузларига кўр-кўрона тақдир этишнинг салбий оқибатлари, саёз, енгил-елпи кўшиқларнинг йигит-қизларнинг мусиқий диди, маънавий-ахлоқий тарбиясига етказадиган зарари, сахна одоби, кийиниш, муомала маданияти ҳақида атрофлича тушунтирилмоқда.

Эстрада санъати воситасида ёш авлоднинг онги, маънавияти, дидини тўғри шакллантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда мамлакатимиз бўйлаб «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!», «Ватан равнақиға меннинг ҳиссам», «Камалак билимдонларимиз», «Камолот» меҳмони» каби мавзуларда ўттиздан ортик фестиваллар, ижодий лойиҳалар, концертлар, мусиқий анжуманлар, учрашувлар, ижодий викториналар ўтказилди.

Президентимиз томонидан ёш хонандаларнинг ижодига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликни ўз фаолиятимизда доимий ҳис этиямиз, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Алишер Турдиев. — Бундай улкан меҳр биз — хонандаларни маъсулрати теранроқ англашга, бадиий жиҳатдан пишқ-пухта кўшиқлар яратишга даъват этади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Танловлар

**ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРГА —
СЕРТИФИКАТЛАР**

Ёшлик инсон ҳаётининг баҳорига қиёсланади. Барча учун қадрли бўлган бу ширин дамларнинг шуқуҳи ҳам ўзгача. Кимдир ана шундай беғубор дамларни таълим-тарбия олишдек эзгу амалларга сарфласа, яна кимдир эса бунинг акси. Ўз келажагини қурмоқ учун республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёшларни ўз бағрига олган «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳам кейинги йилларда таълим ва тарбияни ҳамоҳанг олиб боришдек эзгу ишга бел боғлаган фидойилар масканига айланиб қолди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Истеъдод» жамғармаси, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳамкорлигида 2006 йилдан буён талаба-ёшларни ташаббускорликка ўргатиш, уларнинг раҳбарлик маҳоратини ошириш, улар онгига миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллари, ҳуқуқий демократик жамият қуриш принципларини синдириш мақсадида жамғарманинг «Масофали ўқитиш маркази»да «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» махсус курси ташкил этилган.

Шу кунга қадар ҳудуддаги таълим муассасаларидан 550 нафардан ортиқроқ талаба-ёшлар курсларда ўқиб, ўз малакаларини оширдилар. Бугунги кунда ушбу йўналишда тахсил олаётган талабалар сонининг йилдан йилга ошиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта.

— Бу йил ҳам аънанани давом эттирдик, — дейди «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Шўхрат Байқулов. — Мазкур

йўналишда шаҳарчадаги таълим муассасаларида тахсил олувчи 60 нафар энг ташаббускор талабалар: талабалар турар жойлари кенгаш раислари, «Камолот» ЁИХ фаоллари ҳамда иқтидорли ёшлар «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» махсус курсида тахсил олиб, билим ва малакаларини оширишди. Ўйлаيمизки, бу ёшлар келажақда халқимизга фойдаси тегадиган, ҳар томонлама етук ва баркамол раҳбар кадрлар бўлиб етишади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган талаба-ёшларга махсус сертификатлар топшириш маросимида сўзга чиққанлар юртимиз келажаги бўлмиш ёшларни бундан-да ташаббускорликка, серқирра фаолиятга чорладилар. Ўз ўрнида талабалар ҳам билдирилган ишончни оқлаб, Ватан равнақи йўлида бирлашишга ваъда бердилар. Биз ҳам бу ёшларнинг келажақда жамият равнақи, юрт

фаровонлиги учун ўз билим ва салоҳиятларини намоеён этишига ишонамиз.

Бир сўз билан айтганда, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар бугун Президентимиз Ватан келажаги, дея ишонч билдираётган ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб вояга етказишга қаратилган. Бинобарин, қулай, замонавий шарт-шароитлар талабаларнинг мустақил фикрлашида, тафаккур доирасининг кенгайишида, илмга бўлган қизиқишининг қучайишида, қалбида она-Ватанга, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Ўткир МАХКАМОВ
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.
Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон мустақилликка юз туганидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда сезиларли ютуқларга эришдик. Халқ таълими соҳасида ҳам янгиликлар ва такомиллашув жараёни юз берди.

Ислоҳотлар оқимида

**ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
Фойдаланиш — БУГУНГИ КУН
ТАЛАБИ**

Юртбошимиз ташаббуслари билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг таълимга оид «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги (1998 йил 13 май), «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (1999 йил 16 август) қарорлари асосида республикамиз халқ таълими тизимида самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу тарихда бугунги кунда таълим соҳасида жиҳдий ижобий ўзгаришлар кенг тус олмақда. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида аънанавий тарзда олиб борилган дарс турла-

ри ўрнига ҳозирда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда ноанъанавий, интерактив усулларда дарс ўтиш методлари жорий этилмоқда.

Фаннинг ўзига хос қизиқарли, муҳим жиҳатларини очиб мақсадида дарс жараёнида турли таълим технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларда мантикий, ақлий ижодий, мустақил фикрларни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларида ҳамда касбий фазилатларини тарбиялашда ёрдам беради.

Шунинг баробарида ўқувчилар бирор бир мавзунинг ёритишида дарсларга атрофлича тайёрларли қўришлари, дарс

жараёнида барча имкониятлардан унумли ва ўринли фойдаланишлари лозим. Дарсларнинг АКТ, замонавий педагогик технологиялар, аудио ва видеофильмлар, фотолавлар ва кўргазмалар қўроқлардан ўринли фойдаланиш асосида ташкил этилиши самарадорлик гарови бўла олади. Ўқувчининг дарсида ўз ўрни борлигини англаши унинг дарсларга қизиқишини ортиради.

Ўқитувчи дарс мобайнида ўқувчиларга етарлича маълумотларни синдириши, уларни мавзуга қизиқтириб, мушоҳадага чорлаши учун, аввало дарснинг технология хараитасини тузиши мақсадга мувофиқдир. Негаки, дарснинг режаси ҳар бир мавзу, ҳар бир ўқитиётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Шундай экан, ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши ҳамда кўплаб дарс услуб ва усуллари биллиши лозим. Ана шундагина дарс самарали, қизиқарли, бахсмунозарларга бой бўлиб, ўқувчилар онгига сингади.

Гулноз АМИНОВА,
Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси

**ТИББИЙ
ЖИҲОЗЛАР
КЕЛТИРИЛДИ**

Тошкент шаҳар болалар тиббиёт маслаҳат диагностика маркази саккиз бўлимдан иборат бўлиб бу масканда даволанишни истаганларга малакали хизмат кўрсатилмоқда.

Асосан тиббиёт фанлари докторлари ҳамда малакали шифокорлар, ҳамширалар фаолият юритаётган ушбу тиббиёт масканда болаларни даволанишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди.

Муҳими, бу тиббиёт марказида касалликка чалинган болаларни ўшбу вақтида текширувдан ўтказиш, аниқ тахҳис асосида тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Турли хил касалликка чалинган ёки туғма нуқсонли бор беморларга тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатишга эришиш мақсадида тиббиёт марказига замонавий тиббий жиҳозлар, ультратовуш ва рентген аппаратлари келтирилди.

(Ўз муҳбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри
Якқасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 8 май)
Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Спорт янгиликлари

ЎСМИРЛАРИМИЗНИНГ ИККИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Аммо халқаро мусобақаларга тайёрларлини сусайтирмасликка аҳд қилган ўн тўрт ёшли чарм тўп усталаридан тарқиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Тошкентда эронлик тенгқурларига қарши учта назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашиши маълум бўлди. Эронликлар билан ўтказилган дастлабки ўртоқлик учрашувида ўсмирларимиз Баҳром Соатов томонидан киритилган гол эвазига 1:0 ҳисоби-

Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси футболчилари Непалда ўсмирлар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида саралаш баҳсларида қатнашмади.

да зафар кучгани ҳақида хабар берган эдик.

Кунчи кеча Ўзбекистон — Эрон ўсмирлар терма жамоалари иккинчи бор назорат-ўртоқлик баҳсида ўзаро куч синашишди. Шиддатли ку-

рашларга бой, қизиқарли кечган беллашувда яна ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобида зафар кучишди. Бу сафар ҳам Баҳром Соатов меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олди.

**УКРАИНАДАН
МЕДАЛЛАР БИЛАН**

Украинанинг Херсон шаҳрида бокс бўйича уюштирилган халқаро турнир мамлакатимиз чарм қўлқоп усталарига омад келтирди.

Курраи заминнинг ўндан ортиқ давлатидан келган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги баҳслар кескин курашларга бой, қизиқарли кечди. Тўққиз вазн тоифасида голиб бўлиш мақсадида рингга кўтарилган терма жамоамиз аъзоларидан 49 килограмм вазнда Рустам Тўлаганов барча рақибларини энгил биринчи ўрин эгаси бўлиб ҳамда турнирнинг олтин медаллари билан тақдирланди.

Шунингдек, 52 килограмм вазнда Жасурбек Латипов ҳамда 91 килограмм вазнда Мирзохид Абдуллаевларга халқаро турнирнинг кумуш медаллари насиб этди.

Ақбар Йўлдошев


Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон Кубогининг дастлабки саралаш учрашувларига старт берилди.

**КУБОК БЕЛЛАШУВЛАРИ
СТАРТ ОЛДИ**

Унда пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар анча муваффақиятли иштирок этишди. Шу боис эътиборингизга пойтахтлик жамоалар қайд этган натижаларни ҳавола этамиз.

«Пахтакор — 2» — «Локомотив» — БФК — 0:0.
(3:5 пенальтилар бўйича). «Истиклол» — «Янгир» — 3:1.
«НБУ — Осиё» — «Оқтепа» — 3:1.

Энди Ўзбекистон Кубогининг навбатдаги босқичида «Локомотив — БФК» — «Металлург», «Истиклол» — «Динамо», «НБУ — Осиё» — «Гулистон — 2» жамоалари ўзаро куч синашишади. Биз албатта, пойтахтимиз жамоалари — «Локомотив» — БФК, «Истиклол», «НБУ — Осиё»га галаба ёр бўлсин деймиш.



**МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

Режасиз ишнинг баракаси йўқ.
* * *

Биринчи уринишлар ҳамиша ҳам муваффақиятли бўлавермайди.
* * *

Қўлидан иш келган ҳамиша азиз.
* * *

Қадрини билмаган нархини билмайди.
* * *

Ўзи ишламаганлар бошқаларни ҳам ишлагани қўйишмайди.
* * *

Ўзини англаган ҳамиша ҳаракатда бўлади.
* * *

Мустақил фикри йўқ киши ҳар мақомга йўрғалайди.
* * *

Фикрсизлик — ожизлик.
* * *

Дўст бекамму кўст бўлмайди.
* * *

Болани эрқалатсанг худбин бўлади.
* * *

Баъзида бор имкониятни қўлдан чиқарасан, баъзида йўқ ердан имконият яратасан.
* * *

Эртадан умиди йўқнинг бугуни сароб.
* * *

Чин дўст кўп бўлмайди.
* * *

Кўпчилик дўст билан танишнинг фарқи бормайди.
* * *

Мусибат кишини тоблайди.
* * *

Ҳамма қондош ҳам жондош бўлавермайди.
* * *

Ҳамма ўз ишини билиб қилганига нима етсин!
* * *

Бир нарсдан воз кечмай, бир нарсага эришиб бўлмайди.
* * *

Муваффақиятдан бош айланади,
Мағлубиятдан оёқ бўшади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 16 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият ятади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазл пасаиши тахмин — 8-10, кундузи — 13-15 қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.